

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги обьектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда Иsteъmolчiga олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Иsteъmolчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш Коидаларга мувофиқ бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Иsteъmolчiga ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Иsteъmolчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмiga ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган холда, Иsteъmolчiga хабар қилиш;

Иsteъmolчida ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

истеъmolчининг сарфлаган электр энергияси учун қарзи вужудга келганда қарзни беш кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида ёзма хабардор қилиш (ЭХНАТга уланган истеъmolчilar бундан мустасно);

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Таъминотчи корхона бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, Иsteъmolчи эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Таъминотчи корхона Иsteъmolчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Иsteъmolчи электр энергияси истеъmolчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъmolчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъmolини чеклаш жадвалини бажармаган кунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун.

Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки зарур